

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**“Бошланғич таълимнинг долзарб
масалалари: муаммо ва ечимлар”**

(Республика илмий-амалий конференция материаллари)

**БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ АСОСИДА КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН
МАКТАБ-ЛАБОРАТОРИЯ ФАОЛИЯТ**

*Гулмира Тожибоева - Чирчиқ давлат педагогика институти
“Бошлангич таълим ” кафедраси ўқитувчиси
Нигметов Зафар Кенжаевич - Чирчиқ шаҳар 25 – умумтаълим
мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари*

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги тараққиётини таъминлаш ва буюк келажагини бунёд этиш йўлида иқтисодий, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, халқимиз ҳаёти фаровонлигини ошириш вазифаларини замон талаблари даражасида ҳал этиш учун чуқур билимли, юксак ахлоқ ва эътиқодли, ўз касбининг билимдони бўлган, ҳар томонлама этук мутахассисларни тарбиялаб бориш энг долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тасдиқланди. Унинг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишидаги вазифалар орасида умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш назарда тутилган. Шунга кўра таълим тизимини узлуксиз ривожлантириб бориш энг долзарб вазифалардан этиб белгиланганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳозирги даврда олий таълим тизимини ривожлантириш бўйича туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида қабул қилинди.

Хусусан, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янгибосқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор

ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш кўзланган.

Бутун дунёда компетентли ўқитувчиларни тайёрлашга, уларнинг касбий ривожланишига, меҳнатини мотивлаштиришга эҳтиёж ортиб бормоқда. Маълумки, ўқувчиларнинг муваффақияти синфда содир бўлаётган жараёнларнинг характери ва сифати билан, авваламбор, ўқитувчининг фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ўқитувчининг касбий компетентлиги бу борада асосий омил ҳисобланади. Лекин ҳар бир синфга компетентли, кучлимотивацияга эга ўқитувчи келишини таъминлаш тизимини ташкил этиш муаммо бўлиб келмоқда.

Олий таълим зиммасига юкланган бу вазифанинг бажарилиши таълим жараёни сифатини оширишнинг жиддий омилидир. Ушбу вазифани бажарилиши педагог кадрлар замонавий илмий назарий билимларга эга бўлиши асосида уларнинг методик, педагогик, психологик маҳоратларини шакллантирилиши ва ривожлантирилишида ҳам ифодаланади. Шусабабли бўлажак бошланғич таълим ўқитувчисининг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида касбий компетентлигини ривожлантириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Компетентлик “ноанъанавий вазиятлар, кутилмаган ҳолларда мутахассиснинг ўзини қандай тутиши, мулоқотга киришиши, рақиблар билан ўзаро муносабатларда янги йўл тутиши, ноаниқ вазифаларни бажаришда, зиддиятларга тўла маълумотлардан фойдаланишда, изчил ривожланиб боровчи ва мураккаб жараёнларда ҳаракатланиш режасига эгалик”ни англатади. **Инглизча “competence”** тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита “**қобилият**” маъносини ифодалайди. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён этаолишни ёритишга хизмат қилади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимобойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англаб олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади.

Касбий компетентлик доирасида махсус компетентлик алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, қуйидагилардан ташкил топади:

1) психологик компетентлик– педагогик жараёнда соғлом психологик муҳитни ярата олиш, таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари

билан ижобий мулоқотни ташкил этиш, турли салбий психологик зиддиятларни ўз вақтида англай олиш ва бартараф эта олиш;

2) методик компетентлик– педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллаш;

3) информацион компетентлик– ахборот муҳитида зарур, муҳим, керакли, фойдали маълумотларни излаш, йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ва улардан мақсадли, ўринли, самарали фойдаланиш;

4) креатив компетентлик – педагогик фаолиятга танқидий, ижодий ёндашиш, ўзининг ижодкорлик малакаларига эгаллигини намоён эта олиш;

5) инновацион компетентлик– педагогик жараёни такомиллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, тарбия жараёнининг самарадорлигини оширишга доир янги ғояларни илгари суриш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш;

6) коммуникатив компетентлик– таълим жараёнининг барча иштирокчилари билан самимий мулоқотда бўлиш, уларни тинглай билиш, уларга ижобий таъсир кўрсата олиш.

Махсус компетентлик компонентларни таркиб топтиришда педагогик амалиётлар ўрни беқиёсдир. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳозирги кунда таълимнинг инновацион кластерини яратиш билан боғлиқ янги тизимни ўзининг устувор стратегик йўналиши сифатида белгилаб олди.

Кластернинг асосий мақсади ўз таркибига кирувчи таълимий-илмий-инновацион салоҳиятни нафақат юқори фуқаролик ва касбий лаёқатлилиқ даражаси билан, балки рақобатбардошлиги, янгиликларни қабул қилиш қобилияти, янги таълим дастур ва технологияларини лойиҳалаш ҳамда амалга ошириш қобилиятига эга замонавий таълим мутахассисларини тайёрлаш учун бирлаштиришдир.

Педагогик таълим ривожланишининг кластер тизими таълим бериш, ўқув адабиётларини яратиш, педагог кадрлар илмий салоҳиятини ошириш, таълим ва тарбия узвийлиги билан боғлиқ умумий йўналишларда фаолият олиб боради ҳамда таълимни бошқариш ва ташкил этиш, таълим турлари ва йўналишлари ўртасида узвийлик ва интеграцияни таъминлаш, ўқитиш методлари ва воситаларидан фойдаланиш каби йўналишларда хусусийлашади.

Кластер тизими ҳар бири алоҳида фаолият олиб борадиган субъектларни умумий мақсад атрофида бирлаштиради ва айни пайтда ҳар бир субъект умумий мақсаддан келиб чиққан ҳолда хусусий манфаатдорлик


асосида иш юритади. Кластер тизими субъектлари бир-бирини қўллаб-қувватлайди ва назорат қилади, ҳар бири алоҳида кластернинг маънавий ва интеллектуал майдонини яратади, ижтимоий таъсири ҳамда аҳамиятини кенгайтиради.

Педагогик таълим инновацион кластери алоқадорлик, узвийлик, изчиллик, ворисийлик, замонавийлик, йўналтирилганлик, манфаатдорлик тамойилларига асосланади. Ушбу тизим асосида муайян ишлар амалга оширмоқда. Шу жумладан, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти “Бошланғич таълим” кафедраси томонидан Чирчиқ шаҳар 25-умумтаълим мактаби базасида кластер тизимига асосланган “Мактаб–лаборатория” инновацион тажриба майдони ташкил этилди.

“Мактаб–лаборатория” инновацион тажриба майдонида талабалар учун мактаб ва институт ўқитувчилари томонидан ҳамкорликда мастер-класслар, тренинглар, ўқув семинарлари ташкил этилди. Амалиёт даврида талабалар турли лойиҳалар асосида ўз фаолиятини ташкил этишларига катта аҳамият берилиб, ижодий ёндашувга замин яратилмоқда. Жумладан, “Ривож” лойиҳаси режаси тузилиб, ҳар бир талаба шахсий қобилиятларидан келиб чиқиб, қўшимча машғулотлар олиб бориши белгиланди.

3 курс талабаларига малакавий амалиёт даврида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида қизиқарли қисқа муддатли лойиҳалар асосида фаолият олиб бориш таклифи берилди. Лойиҳа доирасида белгилаб олинган ривожлантирувчи машғулотлар ташкил этилиб, бошланғич синф ўқувчиларининг майда моторикасини, креатив тафаккурини ривожлантиришга кўмакловчи машқлар олиб борилди(1 -расм):

- 1- Кун. Рақамларни қўшимча элементлар билан ўзгартир.
- 2- Кун. Қўлни узмай ёзишга доир машқлар.
- 3- Кун. Мантиқий машқлар.
- 4- Кун. Геометрик фигуралар асосидаги ривожлантирувчи дидактик ўйинлар.
- 5- Кун. Торренс тести.



Амалиёт даврида талабалар ушбу қисқа муддатли лойиҳаларни амалга ошириш вақтида кичик мактаб ёшидаги бола шахсини, унинг ривожланиш омилларини ўрганишди. Олинган натижаларни амалиёт раҳбари билан таҳлил қилишди. Шахсий педагогик тажрибаларини бойитиб, махсус компетентликка эга бўлиши аҳамиятини янада чуқурроқ англашди. Ўз устида ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш учун янада кўпроқ илмий-педагогик адабиётлар билан танишиш вазифаларини белгилаб олишди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ. 2017 йил 7 феврал.
2. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ. 2019 йил 8 октябр.
3. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфулов Д.М., Тўраева А.Б. – Тошкент, 2015. – 120 бет.
4. <https://ok.ru/group/52180662353987>

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЮКСАЛТИРАДИ

З.А. Санакулова - ЖДПИ катта ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 30 июндаги Фармонида таъкидланишича, ахборот технологияларининг рақобатдош ва юқори унумдорликка эга тармоғини шакллантириш учун мамлакатнинг фан ватаълим соҳасидаги салоҳиятини юқори даражага кўтариш зарурлиги кўрсатилган⁷.

Президентимиз фармони талабларини амалга оширишда узлуксиз таълим муассасаларининг ўқув жараёнига инновацион фаолиятини жорий этиш муҳим ўрин тутди. Чунки ушбу жараёнда умумий ўртатаълим, олий таълим муассасаларининг ўқитувчи-профессорларининг илғор тажрибаларнинг татбиқ этиш қилиш, ҳар бир фан бўйича бу соҳада аниқ режаларни тузиш ва амалга ошириш, дарслик, ўқув қўлланмалар ва дастурлар, маъруза матнларини электрон дискетларга кўчириш, илмий,

⁷Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099 сонли “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш шарт-шароитларини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

<i>Тўрақулова И. Х., Ўрозбойев С. Э.</i> Интеллектуаллаштирилган ўқитиш тизимлари негизида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашнинг алгоритмик кетма-кетлиги.....	69
<i>Юсунов М.М.</i> Дидактик ўйин бошланғич синф ўқувчиларига таълим бериш воситаси сифатида.....	73
<i>Раҳимов А.</i> Маънавий-маърифий фаолият тушунчасининг фалсафий, ижтимоий-педагогик мазмун-моҳияти.....	77
<i>Н.Байтураева</i> Бошланғич таълим ўқитувчиларининг компетентлигини инновацион ёндашув асосида шакллантиришнинг педагогик омиллари.....	80
<i>Хакимова Б.А.</i> Инновацион ўзгаришларнинг таълим жараёнидаги ўрни.....	84
<i>Жабборова О. М., Жуманова Ф.У.</i> Бошланғич таълимни оптималлаштириш.....	87
<i>Халмухамедова М. А.</i> Нақшбандия тариқати воситасида талабаларда касбий компетентликни такомиллаштиришда устоз-шогирд анъаналари.....	92
<i>Тожибоева Г., Нигметов З. К.</i> Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчисининг шахсга йўналтирилган ёндашув асосида касбий компетентлигини ривожлантиришда инновацион мактаб-лаборатория фаолият.....	98
<i>Санақулова З.А.</i> Ўқитувчиларнинг инновацион фаолияти таълим сифатини юксалтиради.....	102
<i>Фарсахонова Д.Р.</i> Таълимда интерфаол методлардан фойдаланишнинг зарурати.....	105
<i>Фарсахонова Д. Р, Босимбекова М. С.</i> Таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш давр талаби.....	108
<i>Куттибекова Г.Т.</i> Бошланғич синф ўқувчиларни эстетик тарбиялашда синф жамоасига ижобий, ижодий ишларни ўргатиш.....	110
<i>Куттибекова Г.Т., Фазлиддинова Н.</i> Бошланғич синф ўқувчиларини тайёрлашда таълим-тарбия ва ахлоқий-эстетик маданият уйғунлиги.....	114
<i>Шербоева Н.</i> Ўзбекистонда таълим – тарбиянинг ижтимоий аҳамияти.....	116
<i>Назарова Ш. Р.</i> Инклюзив таълим жараёнида бошқарув фаолиятидаги самарадорликни амалга оширувчи шахс хислатлари тавсифи.....	119
<i>Юлдашева М. Ю.</i> Развитие креативности младших школьников на уроках математики.....	121